В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ТОШТЕМИРОВ БАҲОДИРЖОН ҲАЁТЖОН ЎҒЛИ

КАСР ТАРТИБЛИ ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ОПЕРАТОРЛАР ҚАТНАШГАН ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ СИНГУЛЯР ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 517.951

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ТОШТЕМИРОВ БАҲОДИРЖОН ҲАЁТЖОН ЎҒЛИ

КАСР ТАРТИБЛИ ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ОПЕРАТОРЛАР ҚАТНАШГАНХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ СИНГУЛЯР ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/FM744 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Каримов Эркинжон Тўлқинович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Карел Ван Бокстал математика фанлари доктори, PhD (Белгия)
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 6 » декабр соат 17:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (150-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 16 » ноябр куни тарқатилди.
(2022 йил « 16 » ноябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

Ш.А.Мирахмедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А.А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси математиканинг муҳим бўлимларидан бири бўлиб, у суюқлик оқими, иссиқлик ёки товушнинг тарқалиши, эластиклик, электростатика, электродинамика каби кўп ўзгарувчили функциялар билан боғлиқ физикавий ва бошқа масалаларни математик тарзда баён қилиш ва ҳал қилишда фойдаланилади. Чегара қиймат, бошланғич қиймат ва бошланғич-чегаравий масалалар хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун қўйиладиган асосий уч турдаги масалалардир. Шунингдек, эътибор беришимиз керакки, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар гиперболик, параболик, эллиптик ва аралаш типдаги тенгламалар, хусусан, аралаш параболик-гиперболик, параболик-эллиптик ва аралаш эллиптик-гиперболик синфларга ажратилиши мумкин (маълумот учун А.В.Бицадзе ва Ж.Рассиасларнинг китобларини қаранг).

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганишда уларни иккита катта синфга ажратишимиз мумкин, яъни тўғри ва тескари масалалар. Тўғри масалаларда одатда ечимларни топиш назарда тутилади, лекин агар изланаётган ечим билан бирга тенгламадаги коэффициентлар ёки тенгламанинг ўнг томони (манбаа ҳади иссиқлик тарқалиш тенгламаси мисолида), бошланғич ёки чегаравий шарт, тенгламанинг тартиби аниқланиши талаб қилинса, бундай масалалар тескари масалалар дейилади. В. Исаков келтириб ўтганидек, тескари масалалар инсон ҳаётининг кўпгина жабҳаларида учраши мумкин. Масалан, биология, тиббиёт, фойдали қазилмаларни қидириш, саноат товарлари сифатини назорат қилиш ва бошқалар. Бу борада каср тартибли интегро-дифференциал операторлар қатнашган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни ечиш дифференциал тенгламалар назариясининг мақсадли тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда илм-фанни, хусусан, математика, физика, биология ва геологияни ривожлантириш борасида зарур ва муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Масалан, математик физика муаммоларини ўрганиш, хусусан, каср тартибли дифференциал операторлар билан аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни таҳлил ва тадқиқ қилишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, математиканинг дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар ва оптимал бошқарув, амалий математика ва математик моделлаштириш, математик анализ ва функциялар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, алгебра ва геометрия фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математик олимларнинг асосий

вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилаб берилган[1]. Ушбу вазифаларни бажариш учун хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, хусусан, каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал масалаларни (тўғри) ва тескари масалаларни қўйиш ва тадқиқ қилиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда каср тартибли аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш уларнинг математик физиканинг кўплаб соҳаларида қўлланилиши сабабидан катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳаётимиздаги кўпгина ҳодисаларни моделлаштириш нуқтаи-назаридан умумийроқ каср тартибли дифференциал операторлардан фойдаланиш тадқиқот сифатини ошириш имкониятини беради. И.М.Гельфанд томонидан аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ёрдамида ғовакли муҳит билан ўралган каналдаги газнинг динамикаси ва ҳаракатини текшириш таклиф қилинган. Шунингдек, кейинчалик мураккаб электр тармоқларида тебранишларнинг тарқалишини ўрганишни аралаш турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ёрдамида тушунтириш мумкинлигини кўрсатилди.

Аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар бўйича самарали текширувларнинг бошланиши ўтган асрга тўғри келади. Муҳим ва қизиқарли натижалар Чаплигин, Трикоми, Гельфанд ва бошқалар томонидан олинган. Кейинчалик, параболик-гиперболик тенгламалар учун фундаментал

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 292-сон қарори

натижалар М.С.Салоҳиддинов, Т.Ж.Жўраев, А.М.Нахушев, В.Н.Врагов ва Н.Ю.Капустинлар томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда каср тартибли, иккинчи ва учинчи тартибли параболик-гиперболик хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун жуда кўп ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ш. Алимов, Р. Ашуров, Ж. Тохиров, А. Бердишев, А. Псху, К. Сабитов, М. Садибеков, Э. Каримов, А. Ўринов, Ю. Апаков, А. Нагорний ва бошқалар типи ўзгарувчан, чизиқли параболик-гиперболик тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ этишган бўлиб, бунда ушбу тенгламалар учун турли чегаравий масалаларнинг спектрал хоссалари ҳам ўрганилган. Бундан ташқари, каср тартибли дифференциал операторларни ўз ичига олган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун ҳар-хил турдаги масалаларни таклиф қилиш ва ўрганиш математикларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, бундай тенгламалар устида М.Ямамото, Р.Ашуров, М.Слодичка, Ю.Лучко, В.Кирякова, Б.Турметов, Б.Кадиркулов, Н.Токмагамбетов, Х.М.Сривастава, М.Киране, Э.Каримов, Н.Салти, Д. Дурдиев, М. Ружанский ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Каср тартибли дифференциал операторларни ўз ичига олган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тескари масалаларни ўрганиш ҳам математикада олиб бориладиган тадқиқотларнинг муҳим қисмидир, чунки бундай тенгламалар фан ва техникада кўп қўлланилади. Тескари масалалар борасида хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар тартибини аниқлаш бўйича Р.Ашуров томонидан муҳим натижалар олинган бўлса, вақтга боғлиқ манба топиш учун тескари манбаа муаммоси М.Слодичка, С.Малик, А.Хазани ва бошқалар томонидан текширилган. Ушбу тадқиқотларга қарамай, ҳали ҳам қизиқарли татбиқларга эга бўлган баъзи очиқ масалалар мавжуд. Олинган натижалар катта илмий ходим Э. Т. Каримов (Математика Институти, Ўзбекистон) ва профессор М. Ружанский (Гент Университети, Белгия)ларнинг илмий маслаҳатлари ва тавсиялари асосида олинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В. И. Романовский номидаги Математика Институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Дифференциал тенгламалар ва унга турдош математик соҳаларнинг долзарб муаммолари” дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади каср тартибли интегро-дифференциал операторлар қатнашган сингуляр хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

регулярланган Капуто маъносидаги гипер-Бессел каср тартибли дифференциал оператори қатнашган хусусий ҳосилали аралаш дифференциал тенглама учун Трикоми масаласи аналогининг ягона ечимини қуриш;

шу аралаш тенглама учун Франкл типидаги масалани характеристик учбурчак ва тўртбурчаклардан иборат соҳада бир қийматли ечилишини

исботлаш;

регулярланган Капуто маъносидаги гипер-Бессел каср тартибли дифференциал оператори қатнашган субдиффузия ва қўш тартибли Хилфер ҳосиласи қатнашган каср тартибли тўлқин тенгламаларини ўз ичига олган сингуляр коэффициентли(сиз) хусусий ҳосилали аралаш дифференциал тенглама учун нолокал масалаларни коррект қўйиш ва тадқиқ этиш;

қўш тартибли Хилфер ҳосиласи билан ҳосил қилинган Лангевин типидаги хусусий ҳосилали бузиладиган дифференциал тенглама учун тўғри ва тескари масалаларни ўрганиш;

2D Ландау Гамилтон ва қўш тартибли Ҳилфер каср тартибли ҳосиласи қатнашган псевдопараболик тенглама учун тўғри ва тескари масалаларни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти регулярланган Капуто маъносидаги каср тартибли дифференциал оператор ва қўш тартибли Хилфер каср тартибли дифференциал операторлар қатнашган аралаш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва псевдо-параболик дифференциал тенгламалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети регулярланган Капуто маъносидаги каср тартибли дифференциал оператор ва қўш тартибли Хилфер каср тартибли дифференциал операторлар қатнашган аралаш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал масалалар ва псевдо-параболик дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда бир нечта усуллар қўлланилган. Мисол учун, ечимнинг ягоналигини кўрсатиш учун иккинчи бобдаги масалаларда энергия интегралли усули қўлланилган бўлса, қолган боблардаги масалаларда хос функциялар системасининг тўлалик хоссасига таянилади. Ечимнинг мавжудлигини кўрсатиш учун ўрганилган масалалар асосан иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламасига эквивалент равишда келтирилади. Бундан ташқари, Миттаг-Леффлер функцияси ва Фурье-Бессел, Фурье-Лежандр қаторларининг хоссаларидан ҳам фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий бошланғич нуқтали регулярланган Капуто маъносидаги гипер-Бессел каср тартибли дифференциал операторининг янги таърифи киритилди ва мос Коши масаласининг ечими топилган;

субдиффузия тенгламаси ва тўлқин тенгламасини ўз ичига олган аралаш дифференциал тенглама учун Трикоми масаласи аналоги ва Франкл типидаги масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган;

ўнг томонли қўш тартибли Хилфер каср тартибли ҳосиласи қатнашган оддий касрли тартибли дифференциал тенглама учун Коши типидаги масаланинг ягона ечими ошкор кўринишда топилган ва аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал масалаларнинг ечимларини ягоналиги исботланган;

қўш тартибли Хилфер каср тартибли ҳосила қатнашган псевдо-параболик тенглама учун тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли

ечилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Олинган натижалар ва диссертацияда қўлланилган усуллар олий ўқув юртларида магистратура талабалари ва докторантлар учун ўқув курс сифатида ўқитилиши мумкин. Бундан ташқари, каср тартибли дифференциал операторлар иштирокидаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар ва тескари манбаа масалаларининг бир қийматли ечилишига оид диссертация натижаларидан физика ва амалий фанларда жараёнларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда келтирилган натижалар глобал Фурье анализ, спектрал назария, энергия интеграли ва интеграл тенгламалар усулларидан фойдаланиб топилган бўлиб, дедуктив хулосалар қабул қилинганлиги ҳамда теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун ҳар хил турдаги масалаларни тадқиқ қилинда фойдаланилади. Бундан ташқари, ушбу турдаги масалаларни умумлаштиришда муҳим рол ўйнайдиган махсус каср тартибли дифференциал операторлардан фойдаланилган.

Диссертациянинг амалий аҳамияти физикавий ҳодисаларнинг бир нечта моделларининг махсус алоҳида ҳолатларига мос бўлиши билан изоҳланади. Масалан, ғовакли муҳит билан ўралган каналдаги газ ҳаракати аралаш параболик-гиперболик типдаги тенглама билан тушунтирилади, чунки каналнинг ички ҳаракати тўлқин тенгламаси ғовакли муҳитда диффузия тенгламаси билан тавсифланади ва ушбу моделлар билан боғлиқ бу турдаги масалаларни умумлаштириш мумкин. Бундан ташқари, олинган натижалар доимий магнит майдон таъсирида квант заррасининг икки ўлчамдаги ҳаракатини тавсифловчи моделни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Каср тартибли интегро-дифференциал операторлар қатнашган хусусий ҳосилали сингуляр дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

субдиффузия тенгламаси ва тўлқин тенгламасини ўз ичига олган аралаш дифференциал тенглама учун Трикоми масаласи аналоги ва Франкл типидаги масалаларнинг ечилиш усулларидан №AP09259394 рақамли «Мусбат операторлар қатнашган эволюцион тенгламалар учун тескари масалалар» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида учинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечимини қуришда фойдаланилган (Математика ва математик моделлаштириш институтининг 2022 йил 10 октябрдаги №01-06/130-сонли маълумотномаси, Қозоғистон). Илмий натижани қўлланилиши каср тартибли дифференциал тенгламалар учун тескари масалаларнинг бир қийматли ечилишини исботлаш имконини

берган;

гипер-Бессел каср тартибли дифференциал оператори ҳамда қўш тартибли Хилфер каср тартибли дифференциал оператори қатнашган аралаш тенглама учун нолокал масалаларнинг ечилиш усулларидан ORG/SQU/CB13/030 рақамли «Виско-эластикликда муҳитларда деярли текис турғун функциялари» мавзусидаги ҳорижий грант лойиҳасида каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал тескари масалаларни ечишда фойдаланилган (Султон Қобус университетининг 2022 йил 6 октябрдаги маълумотномаси, Оман). Илмий натижани қўлланилиши берилган маълумотларга маълум шартлар қўйилганда қатор кўринишида аниқланган ечимнинг абсолют ва текис яқинлашишини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий ва илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини нашр қилиш. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган ва 7 таси конференция материалларидир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, кейинги бобларда қўлланиладиган каср тартибли интегро-дифференциал операторларининг зарур таърифлари ва асосий хоссалари қисқача келтириб ўтилган. Шунингдек, биз ушбу диссертацияда фойдаланилган асосий белгилашларини ва каср тартибли дифференциал ҳисобнинг қисқача муқаддимасини баён қиламиз. Демак, каср тартибли дифференциал ҳисобнинг тарихий тадқиқи ва функционал фазоларнинг таърифлари ҳақида қисқача маълумот беришдан бошлаймиз.

1-таъриф. *Фараз қилайлик* $\Omega=[a,b]$ *ва* $m\in\mathbb{N}_0=\{0,1,2,3,...,\}$ *бўлсин.*

$[a,b]$ *да аниқланган* g *функцияларнинг* $C_\gamma[a,b]$ *вазнли фазоси қуйидагича киритилади*

$$C_\gamma[a,b]=\left\{g(t):\|g\|_{C_\gamma}=\left\|(t-a)^\gamma g(t)\right\|_C<\infty\right\}$$

яъни $(t-a)^\gamma g(t)\in C[a,b]$.

$[a,b]$ *да аниқланган функцияларнинг* $C_\gamma^n[a,b]$ *вазнли фазоси эса қуйидагича аниқланади*

$$C_\gamma^n[a,b]=\left\{g:[0,T]\to\mathbb{R}, g^{n-1}(t)\in C[a,b]; g^n(t)\in C_\gamma[a,b]\right\}$$

бунда норма

$$\|g\|_{C_\gamma^n}=\sum_{k=0}^{n-1}\left\|g^{(k)}\right\|_{C[a,b]}+\left\|g^{(n)}\right\|_{C_\gamma[a,b]}.$$

Шунингдек, биз Димовски томонидан 1966 йилда биринчи марта гипер-Бессел дифференциал оператори учун операцион ҳисоб-китобларга бағишланган мақолаларида киритилган $C[a,b]\,(n\in\mathbb{N}_0)$ фазосининг вазнли модификациясидан фойдаланамиз:

$$C_\mu^{(n)}:=\left\{f(t)=t^p f_1(t),\ f_1(t)\in C^{(n)}[0,\infty)\right\},\ C_\mu:=C_\mu^{(0)},\ \nu\in\mathbb{R}$$

бунда $\mu\ge -1$ учун $p>\mu$ мавжуд деб фараз қилинади. Равшанки, C_μ вектор фазодир ва C_μ фазолар тўплами қуйидагича киритишлар орқали тартибланган

$$C_\mu\subset C_\delta\Leftrightarrow\mu\ge\delta.$$

2-таъриф. *Айтайлик* $I_{a+}^{(1-\mu)(1-\beta)}f(t)\in AC^n[a,b]$ *ва* $I_{b-}^{(1-\mu)(1-\beta)}f(t)\in AC^n[a,b]$ *бўлсин. У ҳолда* $\alpha\,(n-1<\alpha\le n)$ *ва* $\beta\,(n-1<\beta\le n)$ *тартибли* $\mu\in[0,1]$ *типли чап томон ва ўнг томон қўш тартибли Хилфер каср тартибли ҳосила қуйидагича аниқланади:*

$$D_{a+}^{(\alpha,\beta)\mu}f(t)=I_{a+}^{\mu(n-\alpha)}\left(\frac{d}{dt}\right)^n I_{a+}^{(1-\mu)(n-\beta)}f(t),$$

$$D_{b-}^{(\alpha,\beta)\mu}f(t)=I_{b-}^{\mu(n-\alpha)}\left(-\frac{d}{dt}\right)^n I_{b-}^{(1-\mu)(n-\beta)}f(t).$$

Ушбу масалани қарайлик

$$\begin{cases} a\,D_t^{(\alpha,\beta)\mu}u(t)+b\,u(t)=f(t),\\ \lim\limits_{t\to 0+}I_{0+}^{(1-\mu)(1-\beta)}u(t)=u_0. \end{cases} \tag{1}$$

Бу масала ечими қуйидаги лемма келтирилган:

1-лемма. Агар $f\in C_{1-\gamma}[0,T]$, у ҳолда (1) масаланинг $u\in C_{1-\gamma}[0,T]$ ечими қуйидагича аниқланади

$$u(t)=u_0t^{\gamma-1}E_{\delta,\gamma}\left(-\frac{b}{a}t^\delta\right)+\frac{1}{a}\int_0^t(t-s)^{\delta-1}E_{\delta,\delta}\left[-\frac{b}{a}(t-s)^\delta\right]f(s)ds,$$

бу ерда $\delta = \beta + \mu(\alpha - \beta)$, $\gamma = \beta + \mu(1 - \beta)$.

Роберто Гарра ва бошқалар стандарт мувозанатга қайтиш жараёнини куч-қонун турининг хотира таъсирини ва характерли коэффициентнинг вақт ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда умумлаштириш учун мос бўлган махсус операторни ўргандилар. Улар Бессел типидаги операторларнинг каср даражаларининг Макбрайд-Ламб назариясини қўлладилар ва натижада Эрдейи-Кобер ва Адамар интеграллари кўринишида каср тартиби операторининг аниқ ифодасини олдилар.

3-таъриф. *Э-К интеграли ёки ҳосиласи кўринишида аниқланган* $0 < \alpha \le 1$ *тартибли маълум бир гипер-Бессел оператори қуйидагича аниқланади*

$$\left(t^{\theta}\frac{d}{dt}\right)^{\alpha} f(t) = \begin{cases} (1-\theta)^{\alpha} t^{-\alpha(1-\theta)} I_{1-\theta}^{0,-\alpha} f(t), \text{ if } \theta < 1, \\ (\theta-1)^{\alpha} I_{1-\theta}^{-1,-\alpha} t^{(1-\theta)\alpha} f(t), \text{ if } \theta > 1. \end{cases}$$

Шуни таъкидлаймизки, $I_{\beta}^{\gamma,-\alpha} := D_{\beta}^{\gamma-\alpha,\alpha}$ - бу манфий тартиб учун Э-К интегралининг талқини, яъни

$$I_{\beta}^{\gamma,-\alpha} := (\gamma - \alpha + 1) I_{\beta}^{\gamma,1-\alpha} f(t) + \frac{1}{\beta} I_{\beta}^{\gamma,1-\alpha}\left(t\frac{d}{dt} f(t)\right).$$

4-таъриф. *Регулярланган Капуто маъносидаги Гипер-Бессел дифференциал оператори* $\theta < 1$ *учун Э-К каср тартибли оператори орқали қуйидагича аниқланади*

$$^{C}\left(t^{\theta}\frac{d}{dt}\right)^{\alpha} f(t) = (1-\theta)^{\alpha} t^{-\alpha(1-\theta)} I_{1-\theta}^{0,-\alpha}\left[f(t) - f(0)\right]$$

ёки гипер-Бессел дифференциал оператор маъносида эса

$$^{C}\left(t^{\theta}\frac{d}{dt}\right)^{\alpha} f(t) = \left(t^{\theta}\frac{d}{dt}\right)^{\alpha} f(t) - \frac{f(0) t^{-\alpha(1-\theta)}}{(1-\theta)^{-\alpha}\Gamma(1-\alpha)},$$

бунда $f(0)$ - *бошланғич шарт*.

Диссертациянинг **«Гипер-Бессел дифференциал оператори қатнашган аралаш тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилиши»** деб номланган иккинчи боби иккита параграфдан иборат. Бунда регулярланган Капуто маносидаги гипер-Бессел оператори қатнашган аралаш тенглама учун Трикоми масаласининг аналоги ва Франкл типидаги масалалар тадқиқ қилинган.

$\Omega = \Omega_1 \cup \Omega_2 \cup AB$ соҳада қуйидаги аралаш тенгламани қарайлик

$$0 = \begin{cases} ^{C}\left(t^{\theta}\frac{\partial}{\partial t}\right)^{\alpha} u(x,t) - u_{xx}(x,t), & t > 0, \\ u_{tt}(x,t) - u_{xx}(x,t), & t < 0 \end{cases} \qquad (2)$$

бу ерда α, θ, T лар шундай ҳақиқий сонларки, $0 < \alpha < 1$, $\theta < 1$, $T > 0$,

$\Omega_1 = \{(x,t): 0 < x < 1, 0 < t < T\}$, $AB = \{(x,t): t = 0, 0 < x < 1\}$,

$$\Omega_2 = \left\{ (x,t) : -t < x < t+1, -\frac{1}{2} < t < 0 \right\}.$$

Т масала. Ω соҳада (2) тенгламанинг шундай $u(x,t)$ ечимини топингки, у $\overline{\Omega}$ да узлуксиз, унинг гипер-Бессел каср тартибли ҳосиласи Ω_1 да узлуксиз ва x бўйича иккинчи тартибли хусусий ҳосилалари Ω_1 ва Ω_2 соҳаларда узлуксиз бўлсин ва шу билан бирга у қуйидаги чегаравий шартларни

$$u(0,t) = 0, \;\; u(1,t) = 0, \;\; 0 \le t \le T, \tag{3}$$

$$u(x/2, -x/2) = \psi(x), \;\; 0 \le x \le 1, \tag{4}$$

ҳамда AB да қуйидаги улаш шартини қаноатлантирсин:

$$\lim_{t \to +0} t^{1-(1-\theta)\alpha} u_t(x,t) = \gamma_1 u_t(x,-0) + \gamma_2 \int_0^1 u_t(z,-0) P(x,z)\, dz, \; 0 < x < 1. \tag{5}$$

Қуйидаги тасдиқ Т масаланинг бир қийматли ечилишини таъминлайди.

1-теорема. Агар $\gamma_2 \le 0$,

$$\frac{\partial}{\partial z} P(x,z) = P_1(x) P_1(z), \tag{6}$$

шартлар бажарилса, у ҳолда Т масала биттадан ортиқ ечимга эга бўлмайди.

2-теорема. *Айтайлик 1-теореманинг барча шартлари бажарилсин. Агар* $\psi(x) \in C^1[0,1]$ *ва* $P(x,z)$ *функция* $[0,1]\times[0,1]$ *соҳада узлуксиз хусусий ҳосилаларга эга бўлса, у ҳолда Т масаланинг ечими мавжуд бўлади ва қуйидаги кўринишда аниқланади:*

$$u(x,t) = 2\Theta(t) \int_0^1 \left[F(\xi) + \int_0^1 F(z) R(\xi,z)\, dz \right] \sum_{k=1}^{\infty} E_{\alpha,1}\left(-\frac{(k\pi)^2}{(1-\theta)^2} t^{(1-\theta)\alpha} \right) \sin(k\pi\xi) \sin(k\pi x)\, d\xi$$

$$+ \frac{\Theta(-t)}{2} \left\{ F(x+t) + F(x-t) \int_0^1 F(\xi) \left[R(x+t,\xi) + R(x-t,\xi) \right] d\xi + \right.$$

$$\left. + \int_{x-t}^{x+t} \left[F''(z) + \int_0^1 F(\xi) \frac{\partial^2 R(z,\xi)}{\partial z^2} d\xi - 2\psi'(z) \right], dz \right\} \tag{7}$$

бу ерда $A = \gamma_1 \Gamma(\alpha)(1-\theta)^{\alpha}$, $t > 0$ учун $\Theta(t) = 1$ ва $t < 0$ учун $\Theta(t) = 0$, $R(x,\xi)$ эса ядро резолвентаси

$$K(x,\xi) = -A\gamma_2 \int_0^1 G_0(x,\xi) \frac{\partial P(\xi,z)}{\partial z} dz,$$

$$F(x) = -2A\gamma_1 \int_0^1 G_0(x,\xi) \psi'(\xi) d\xi - 2A\gamma_2 \int_0^1 G_0(x,\xi) d\xi \int_0^1 \psi'(\xi) P(\xi,z)\, dz,$$

$$G_0(x,\xi)=\frac{1}{A\left[e^{Ax}-e^{A(x-1)}\right]}\begin{cases}\left(1-e^{A\xi}\right)\left(1-e^{A(x-1)}\right), & 0\le\xi\le x,\\ \left(1-e^{Ax}\right)\left(1-e^{A(\xi-1)}\right), & x\le\xi\le 1.\end{cases}$$

Бу бобнинг иккинчи параграфида юқоридаги (2) тенглама учун Франкл типидаги масаланинг бир ечимини ягоналиги ва мавжудлиги ўрганилган.

Масала Ф. (2) тенгламанинг шундай $u(x,t)$ ечимини топингки, у қуйидаги регулярлик шартларини

1) $u(x,t)\in C\left(\overline{\Omega}\right)\cap C^1\left(\overline{\Omega}_2\right)\cap C^2(\Omega_2)$, $^C\left(t^\theta\frac{\partial}{\partial t}\right)^\alpha u\in C(\Omega_1)$, $u_{xx}\in C(\Omega_1)$;

2) ва нолокал шартларни

$$a_1(z)u(0,z)+b_1(z)u(z/2,-z/2)=c_1(z),\ 0\le z\le 1, \tag{8}$$

$$a_2(z)u(1,z)+b_2(z)u((z+1)/2,(z-1)/2)=c_2(z),\ 0\le z\le 1, \tag{9}$$

$$a_3(z)u(0,z)+b_3(z)u(1,z)=c_3(z),\ 0\le z\le 1; \tag{10}$$

3) ҳамда қуйидаги улаш шартини қаноатлантирсин:

$$\lim_{t\to+0}t^{1-\alpha(1-\theta)}u_t(x,t)=\lim_{t\to-0}u_t(x,t). \tag{11}$$

Бу ерда $0<\alpha<1$, $\theta<1$, $a_i(z),b_i(z),c_i(z)\left(i=\overline{1,3}\right)$ берилган функциялар бўлиб, ушбу шартларни қаноатлантиради

$$a_1^2(z)+a_2^2(z)\ne 0,\ a_1^2(z)+a_3^2(z)\ne 0,\ b_1^2(z)+b_2^2(z)\ne 0,$$

$$b_1^2(z)+b_3^2(z)\ne 0,\ a_j^2(z)+b_j^2(z)+c_j^2(z)\ne 0,\ j=1,2,$$

Асосий натижа қуйидаги теоремада ўз тасдиғини топади.

3-теорема. *Агар* $d_2'(z)>0$, $d_2(z)\ne 0$ *ва* $a_i(z)$, $b_i(z)$, $c_i(z)\in C(0,1)\cap C^1[0,1]$, *бўлиб* $a_i(z)\ne 0$, $b_i(z)\ne 0$, $z\in[0,1]$, $a_1(0)\ne -b_1(0)$ *бўлса, у ҳолда Ф масаланинг ягона ечими мавжуд бўлади, бу ерда*

$$d_2(z)=\left(a_1(z)b_2(z)b_3(z)\right)\cdot\left(a_2(z)a_3(z)b_1(z)\right)^{-1}$$

Бу икки масалаларда ечимнинг ягоналигини исботлашда энергия интеграллари усулидан фойдаландик.

Диссертациянинг **«Каср тартибли аралаш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар»** деб номланган учинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, субдиффузия ва каср тартибли тўлқин тенгламаларидан ташкил топган аралаш тенгламалар учун чегараланган соҳаларда нолокал чегаравий масалаларни баён қилиш ва ўрганишга бағишланган.

Хусусан, биринчи параграфда $\Omega=\Omega_1\cup\Omega_2\cup Q$ соҳада қуйидаги тенглама учун нолокал масалани қараймиз:

$$f(x,t)=\begin{cases}^C\left(t^\theta\frac{\partial}{\partial t}\right)^\alpha u(x,t)-u_{xx}(x,t), & (x,t)\in\Omega_1,\\ D_t^{(\gamma,\beta)\mu}u(x,t)-u_{xx}(x,t), & (x,t)\in\Omega_2,\end{cases} \tag{12}$$

бу ерда $\Omega_1=\{(x,t):0<x<1, a<t<b\}$, $\Omega_2=\{(x,t):0<x<1, 0<t<a\}$, $Q=\{(x,t):0<x<1, t=a\}$, $a, b\in\mathbb{R}^+$ яъни $a<b$, $0<\alpha\le 1$, $\theta<1$, $1<\gamma,\beta<2$, $0\le\mu\le 1$, $f(x,t)$ берилган функция.

Масала. Ω соҳада (12) тенгламанинг шундай ечими топилсинки, у қуйидаги ругулярлик шартларини

$$u(\cdot,t)\in C[0,1]\cap C^1(0,1),\quad {}^C\left(t^\theta\frac{\partial}{\partial t}\right)^\alpha u(x,\cdot)\in C[a,b],$$

$$t^{2-q}u,\ t^{2-q}u_x\in C(\overline{\Omega}_2),\ t^{2-q}D_t^{(\gamma,\beta)\mu}u(x,t)\in C(\overline{\Omega}_2),\ u_{xx}\in C(\Omega)$$

ва бошланғич-чегаравий шартларни

$$u(0,t)=0,\ 0\le t\le b,\qquad u(1,t)=0,\ 0\le t\le b, \tag{13}$$

$$\lim_{t\to 0+} I_{0+}^{(1-\mu)(2-\beta)}u(x,t)=\varphi(x),\ 0\le x\le 1, \tag{14}$$

ҳамда ушбу улаш шартларини қаноатлантирсин:

$$\lim_{t\to a-} I_{0+}^{(1-\mu)(2-\beta)}u(x,t)=\lim_{t\to a+}u(x,t),\quad 0\le x\le 1, \tag{15}$$

$$\lim_{t\to a-}\frac{d}{dt}I_{0+}^{(1-\mu)(2-\beta)}u(x,t)=\lim_{t\to a+}(t-a)^{1-(1-\theta)\alpha}u_t(x,t),\quad 0<x<1, \tag{16}$$

бунда $\varphi(x)$ - берилган функция, $q=\beta+\mu(2-\beta)$.

Бу параграфда, биз ихтиёрий бошланғич нуқтали ругулярланган Капуто маъносидаги гипер-Бессел каср тартибли дифференциал операторни қўллаб Ω_1 соҳада Коши масаласини ечимини аниқлаймиз. Қуйидаги теоремада ўз аксини топган (12)-(16) масаланинг ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги теоремалари исботланган.

4-теорема. Қуйидаги шартлар бажарилсин

1) $\Delta_k\ne 0$, $k=1,2,3,\ ...$ 2) $\varphi\in C[0,1]$ ва $\varphi'\in L^2(0,1)$,

3) $f(\cdot,t)\in C^3[0,1]$ ва $f(x,\cdot)\in C^1(0,a)$, $f(x,\cdot)\in C_\mu(a,b)$, бунда $f(0,t)=f(1,t)=0$, $f_{xx}(0,t)=f_{xx}(1,t)=0$ ва $\frac{\partial^4}{\partial x^4}f(\cdot,t)\in L^1(0,1)$, у ҳолда (12)-(16) масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлади, бу ерда

$$\Delta_k=E_{\delta,1}(-\lambda_k a^\delta)+\frac{\lambda_k a}{\Gamma(\alpha)p^{\alpha-1}}E_{\delta,2}(-\lambda_k a^\delta).$$

Кейинги параграфда, $\Omega=\Omega_1\cup\Omega_2\cup Q$ соҳада қуйидаги регулярланган Капуто маносидаги гипер-Бессел операторини ва қўш тартибли Хилфер каср тартибли дифференциал операторларини ўз ичига олган сингуляр коэффициентли аралаш тенгламани қараймиз:

$$f(x,t)=\begin{cases}{}^C\left(t^\theta\dfrac{\partial}{\partial t}\right)^{\alpha_1}u(x,t)-\dfrac{1}{x}u_x(x,t)-u_{xx}(x,t), & (x,t)\in\Omega_1,\\ D_{0-}^{(\alpha_2,\beta_2)\mu}u(x,t)-\dfrac{1}{x}u_x(x,t)-u_{xx}(x,t), & (x,t)\in\Omega_2,\end{cases} \tag{17}$$

бунда $\Omega_1 = \{(x,t): 0 < x < 1, 0 < t < T\}$, $\Omega_2 = \{(x,t): 0 < x < 1, -T < t < 0\}$,
$Q = \{(x,t): 0 < x < 1, t = 0\}$, $0 < \alpha_1 \le 1$, $\theta < 1$, $1 < \alpha_2, \beta_2 \le 2$, $0 \le \mu \le 1$,
$D_{0-}^{(\alpha_2,\beta_2)\mu}$ эса ўнг томон қўш тартибли Хилфер каср тартибли дифференциал оператори.

Масала. Ω соҳада (17) тенгламанинг шундай ечимини топингки, у қуйидаги ругулярлик шартларини

$$u(x,t) \in C(\overline{\Omega} \setminus Q),\ u(\cdot,t) \in C^2(\Omega_1 \cup \Omega_2),$$

$$C\left(t^{\theta}\frac{\partial}{\partial t}\right)^{\alpha_1} u(x,t) \in C(\Omega_1),\ D_{0-}^{(\alpha_2,\beta_2)\mu} u(x,t) \in C(\Omega_2)$$

чегаравий шартларни

$$\lim_{t\to 0+} x u_x(x,t) = 0,\quad u(1,t) = 0,\ -T \le t \le T, \tag{18}$$

ва нолокал шартни

$$\sum_{i=1}^{m} \zeta_i I_{0-}^{(1-\mu)(2-\beta_2)} u(x,\xi_i) = u(x,T),\ 0 \le x \le 1, \tag{19}$$

ва ҳамда улаш шартларини қаноатлантирсин:

$$\lim_{t\to 0-} I_{0-}^{(1-\mu)(2-\beta_2)} u(x,t) = \lim_{t\to 0+} u(x,t),\ 0 \le x \le 1, \tag{20}$$

$$\lim_{t\to 0-} \frac{d}{dt} I_{0-}^{(1-\mu)(2-\beta_2)} u(x,t) = \lim_{t\to 0+} t^{1-(1-\theta)\alpha_1} u_t(x,t),\ 0 < x < 1, \tag{21}$$

бу ерда $-T \le \xi_1 < \xi_2 < .... < \xi_m < 0$, $f(x,t)$ - берилган функция.

Масаланинг асосий тадқиқотларига ўтишдан аввал ўнг томон қўш тартибли Хилфер каср тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласини ўрганиб чиқамиз.

Ниҳоят қаралаётган асосий масала ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги баён қилинадиган теоремани келтирамиз.

5-теорема. $\Delta_k \ne 0$ *ва* $\sum_{i=1}^{m} \frac{\zeta_i}{\Gamma(\alpha_1) p^{\alpha_1} \Gamma(2-\delta_2)} > 0$ *бажарилсин ва шунингдек,* $f(x,t) \in C(\Omega)$ *учун қуйидаги шартлар ўринли бўлсин:*

- $f(0,t) = f_x'(0,t) = ... = f_x'''(0,t) = 0$;
- $f(1,t) = f_x'(1,t) = f_x''(1,t) = 0$;
- $\frac{\partial^4}{\partial x^4} f(x,t)$ *чегараланган;*

у ҳолда қаралаётган масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлади ва у қуйидагича аниқланади:

$$u(x,t) = \sum_{k=1}^{\infty} U_k(t) J_0(\lambda_k x),$$

бу ерда

$$\Delta_k = \sum_{i=1}^{m} \zeta_i \left[E_{\delta_2,1}\left(-\lambda_k^2(-\xi_i)\right) + \frac{\lambda_k^2 \xi_i}{p^{\alpha_1}\Gamma(\alpha_1)} E_{\delta_2,2}\left(-\lambda_k^2(-\xi_i)\right) \right] - E_{\alpha_1,1}\left(-\frac{\lambda_k^2}{p^{\alpha_1}} T^{\alpha_1 p}\right)$$

$$U_k(t)=\begin{cases}\tau_k E_{\alpha_1,1}(-\dfrac{\lambda_k^{\,2}}{p^{\alpha_1}}t^{p\alpha_1})+G_k(t), & t>0,\\ \varphi_k(-t)^{\gamma_2-2}E_{\delta_2,\gamma_2-1}[-\lambda_k^2(-t)^{\delta_2}]-\psi_k(-t)^{\gamma_2-1}E_{\delta_2,\gamma_2}[-\lambda_k^2(-t)^{\delta_2}]+\\ \qquad+\int\limits_t^0(z-t)^{\delta_2-1}E_{\delta_2,\delta_2}[-\lambda_k^2(z-t)^{\delta_2}]f_k(z)dz, & t<0,\end{cases}$$

бунда $p=1-\theta$ ва

$$G_k(t)=\frac{1}{p^{\alpha_1}\Gamma(\alpha_1)}\int_0^t(t^p-\tau^p)^{\alpha_1-1}f_k(\tau)d(\tau^p)-$$

$$-\frac{\lambda_k^{\,2}}{p^{2\alpha_1}}\int_0^t\left(t^p-\tau^p\right)^{2\alpha_1-1}E_{\alpha_1,2\alpha_1}\left[-\frac{\lambda_k^{\,2}}{p^{\alpha_1}}\left(t^p-\tau^p\right)^{\alpha_1}\right]f_k(\tau)d(\tau^p).$$

Учинчи бобнинг охирги параграфида биз аввалги иккита параграфларда ўрганилган масалаларнинг баъзи элементларидан олиб гибрид шаклдаги нолокал чегаравий масалани таҳлил қиламиз. Субдиффузия ва каср тартибли тўлқин тенгламалари қўш тартибли Хилфер каср тартибли хосилаларидан ташкил топган қуйидаги аралаш тенгламани $\Omega=\Omega_1\cup\Omega_2\cup AB$ соҳада қараймиз

$$f(x,t)=\begin{cases}L_1u\equiv D_{0+}^{(\alpha_1,\beta_1)\mu_1}u(x,t)-u_{xx}(x,t), & t>0,\\ L_2u\equiv D_{0-}^{(\alpha_2,\beta_2)\mu_2}u(x,t)-u_{xx}(x,t), & t<0,\end{cases}\tag{23}$$

бу ерда $f(x,t)$ берилган функция, $i-1<\alpha_i,\beta_i<i$, $0\le\mu_i\le1$, $i=\overline{1,2}$, $\Omega_1=\{(x,t):0<x<l,\ 0<t<T\}$, $\Omega_2=\{(x,t):0<x<l,\ -T<t<0\}$, $T>0$, $AB=\{(x,t):0<x<l,\ t=0\}$.

Ω соҳада (23) тенглама учун нолокал чегаравий масала қуйидагича баён қилинади:

Б масала. (23) тенламанинг шундай $u(x,t)$ ечими топилсинки, у регулярлик шартларини

$$t^{1-\gamma_1}u(x,t),\ t^{1-\gamma_1}D_{0+}^{(\alpha_1,\beta_1)\mu_1}u(x,t)\in C(\overline{\Omega}_1),\ (-t)^{2-\gamma_2}u(x,t)\in C(\overline{\Omega}_2),$$

$$(-t)^{2-\gamma_2}D_{0-}^{(\alpha_2,\beta_2)\mu_2}u(x,t)\in C(\overline{\Omega}_2),\ u_{xx}\in C(\Omega_1\cup\Omega_2),$$

ва чегаравий шартларни

$$u(0,t)=0,\ u(l,t)=0,\ t\in[-T,0)\cap(0,T]\tag{23}$$

ҳамда нолокал шартни қаноатлантирсин

$$u(x,-T)=u(x,T)+\psi(x),0\le x\le l,\tag{24}$$

ва шунингдек, унинг AB да қуйидаги улаш шартларига ҳам бўйсиниши талаб қилинади

$$\lim_{t\to+0}I_{0+}^{1-\gamma_1}u(x,t)=\lim_{t\to-0}I_{0-}^{2-\gamma_2}u(x,t),0\le x\le l,\tag{25}$$

$$\lim_{t\to+0}t^{1-\delta_1}\left(\frac{\partial}{\partial t}I_{0+}^{1-\gamma_1}u(x,t)\right)=\lim_{t\to-0}\frac{\partial}{\partial t}I_{0-}^{1-\gamma_2}u(x,t)0<x<l.\tag{26}$$

Бу ерда $\gamma_i = \beta_i + \mu_i(i-\beta_i)$ $\delta_i = \beta_i + \mu_i(\alpha_i - \beta_i)$, $(i=\overline{1,2})$, $\psi(x)$ берилган функция бўлиб, $\psi(0)=\psi(l)=0$ бўлсин.

Ниҳоят, бу параграфнинг асосий натижаси бўлган қуйидаги теоремани келтирамиз.

6-теорема. *Фараз қилайлик қуйидаги шартлар бажарилсин:*

$\Delta_n \neq 0$; $\psi(x) \in C[0,l] \cap C^4(0,l)$ *бунда* $\psi(0)=\psi(l)=0$, $\psi''(0)=\psi''(l)=0$, $\psi^{(4)}(0)=\psi^{(4)}(l)=0$ ва $\psi^{(5)}(x) \in L^2(0,l)$;

$f(x,t) \in C[0,l]\times[-T,T] \cap C^{2,1}(0,l)\times(-T,T)$ *бунда* $f(0,t)=f(l,t)=0$, $f_{xx}(0,t)=f_{xx}(l,t)=0$, $f_x^{(3)}(\cdot,t) \in L^2(0,l)$; *у ҳолда қаралаётган масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлади,* бу ерда

$$\Delta_n = T^{\gamma_2-2}E_{\delta_2,\gamma_2-1}\left(-\lambda_n T^{\delta_2}\right) + \frac{\lambda_n T^{\gamma_2-1}}{\Gamma(\delta_1)}E_{\delta_2,\gamma_2}\left(-\lambda_n T^{\delta_2}\right) - T^{\gamma_1-1}E_{\delta_1,\gamma_1}\left(-\lambda T^{\delta_1}\right).$$

Айтиш жоизки, учинчи бобда келтирилган масалаларнинг ечимлари ягоналиги исботи бу масалаларда келтрилган хос функциялар системасининг тўлалик хоссаларига асосланади.

